



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ ҚУРАШИШ БЎЙИЧА ҚОНУНЧИЛИКНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ.

Э.С.Номозов

Жиноят ишлари бўйича
Қува туман суди судьяси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15645776>

ARTICLE INFO

Received: 01st June 2025

Accepted: 05th June 2025

Published: 11th June 2025

KEYWORDS

одам савдоси, жиноят,
эксплуатация, қонунчилик,
ҳимоя, жиноят кодекси,
жабрланувчи, халқаро
стандартлар

Кириш.

Бугунги кунда глобал муаммолардан бири бўлган одам савдоси инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва шаънига қарши содир этиладиган оғир жиноят тури ҳисобланади. Ўзбекистон ҳам ушбу таҳдидларга қарши изчил чоралар кўрмоқда. Давлатимиз бу борада мустақил ва комплекс ёндашув асосида қонунчилик асосларини яратди ва уларни амалиётда татбиқ этмоқда.

Асосий қисм.

Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни (2008-йил 17-апрел) одам савдосининг ҳуқуқий асосларини белгилайди. Қонунда одам савдосининг қуйидаги шакллари аниқланади, жумладан,

эксплуатация мақсадида одамларни ёллаш, ташиш, яшириш ёки қабул қилиш; мажбурий меҳнат, фоҳишалик, органларининг ноқонуний трансплантацияси ва бошқа шаклларда эксплуатация қилиш.

Қонунда давлат органларининг, фуқаролик жамияти институтларининг ва халқаро ташкилотларнинг ушбу соҳадаги ҳамкорлик механизмлари баён қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддаси одам савдосини жиноят деб белгилайди ва унга қарши қатъий жазолар кўзда тутилиб, ушбу моддада назарда тутилган жиноятни содир этган шахсларга нисбатан 3 йилдан 12 йилгача озодликдан маҳрум қилиш белгиланган.

Шу билан бирга, жабрланувчининг вояга етмаганлиги, хавfli усулда амалга оширилиши ёки такрорий ҳолатда содир этилиши жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида кўрилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, жамиятда ушбу тоифадаги жиноятларга қарши курашиш ва барвақ олтини олиш мақсадида қуйидаги институтлар фаолият юритиб келмоқда.

Жумладан одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш Миллий комиссияси ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолият юритиб келмоқда.

ABSTRACT

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида одам савдосига қарши курашиш соҳасида мавжуд қонунчилик асослари, уларнинг халқаро меъёрлар билан уйғунлиги, шунингдек, амалиётда кузатилаётган муаммолар ва такомиллаштириш йўналишлари ёритилган. Муаллиф мамлакатимиз қонунчилигининг ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилиб, таклиф ва хулосалар беради.

Шунингдек, жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича реабилитация марказлари ва ҳуқуқий маслаҳат хизматлари фаолият юритиб келмоқда.

Ўзбекистон БМТнинг Одам савдоси ва аёлларнинг эксплуатациясига қарши конвенциялари, шунингдек, Палермо Протоколини ратификация қилиниб, шу орқали миллий қонунчилик халқаро стандартларга мослаштирилган.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасида одам савдосига қарши курашиш борасида мустақам ҳуқуқий база шаклланди бўлиб, бу ўз ўрнида қонунларнинг ижроси, амалиётдаги муаммолар, профилактика чоралари, жабрланувчиларга кўрсатилаётган ёрдам самарадорлигини ошириш долзарб масалаларда ўзида намоён бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни, 2008-йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси.
3. БМТнинг Палермо Протоколи, 2000-йил.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва фармонлари (сўнгги йиллардаги одам савдосига қарши курашиш бўйича).



INNOVATIVE
ACADEMY